

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ”**

**фанидан**

**Ўқув услубий мажмуа**

**Тузувчи:**

**и.ф.н., доц. Шомансуров Т.Ш.**

**Такризчилар:**

**Проф.Қодиров А.  
Доц.Топилдиев С.Р.**

**Тошкент-2012**

# Мундарижа

<b>1</b>	<b>Ўқув дастури</b>	<b>3</b>
<b>2</b>	<b>Ишчи дастур</b>	<b>16</b>
<b>3</b>	<b>Таълим технологияси</b>	<b>26</b>
<b>4</b>	<b>Мисол ва масалалар тўплами</b>	<b>91</b>
<b>5</b>	<b>Назорат саволлари</b>	<b>99</b>
<b>6</b>	<b>Тест саволлари</b>	<b>102</b>
<b>7</b>	<b>Тарқатма материаллар</b>	<b>121</b>
<b>8</b>	<b>Глоссарий</b>	<b>156</b>
<b>9</b>	<b>Реферат мавзулари</b>	<b>165</b>
<b>10</b>	<b>Адабиётлар рўйхати</b>	<b>167</b>
<b>11</b>	<b>Маъруза матни</b>	<b>175</b>
<b>12</b>	<b>Курс иши мавзулари</b>	<b>209</b>
<b>13</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>211</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ”  
фанининг**

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

<b>Билим соҳаси:</b>	<b>200000</b>	- Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ
<b>Таълим соҳаси:</b>	<b>230000</b>	- Иқтисод ва бизнес таълим соҳаси барча магистр таълим йўналиши учун
<b>Таълим йўналиши:</b>	<b>5A230102</b>	-Иқтисодиёт (Тармоқлар иқтисодиёти бўйича),

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув–услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2010 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги “ \_\_\_\_ ” - сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Салимов Б.Т.– Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси мудири проф.,  
иқтисод фанлари доктори.

Жўраев Т.И. - Тармоқлар иқтисодиёти кафедраси доценти иқтисод  
фанлари номзоди.

**Такризчилар:**

Қувноқов Хайдар –Макроиқтисодиёти кафедраси доцент,  
иқтисод фанлари номзоди

Бозоров Тўхтамурод Шарипович – Ўзбекистон Фермер хўжаликлари  
уюшмаси раиси в.б.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ўқув–услубий кенгашида тавсия қилинган (2010 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги “ \_\_\_\_ ” – баённома)

## КИРИШ

Агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги билан бирга қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган соҳаларини ва қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини, ижтимоий инфратузилмани ўз ичига олади ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрганади. Шу билан бирга Агросаноат интеграциясининг ахамияти шундаки, у куп тармоқли ишлаб чиқаришдан ихтисослашган ишлаб чиқаришга ўтишга, уни самаралироқ индустрия негизига қуришга имкон беради, улар ўртасидаги иқтисодий шарт –шароитларни яқинлаштиришга, тенглаштиришга, ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишга кумак беради. Бир тармоқ ёки соҳада фаолият олиб боровчи корхоналарнинг горизонтал интеграциялашувига айланиб кетувчи ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўрганади.

И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида тўхталиб “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур”<sup>1</sup>лигини таъкидлади.

Шу билан бирга И.Каримов ўзининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган асосий вазифалар тўғрисида тўхталаб “2009-2010 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир”<sup>2</sup> деб таъкидладилар. Ушбу масалаларни амалга оширишда “Агросаноат интеграцияси” фанида ўрганиладиган назарий масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу дастур “Агросаноат интеграцияси” фани мамлакат агросаноат мажмуаси иқтисодиётининг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш ва уни мўътадил ривожлантиришнинг ечимларини топишда ҳамда “иқтисодиёт” таълим йўналиши мутахассисларининг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Ушбу фаннинг ютуқ ва хулосаларидан мамлакат Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатларга белгиланган дастурларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида

<sup>1</sup> Каримов И.А.. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -18 б.

<sup>2</sup>.Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -55 б.

Агросаноат мажмуасининг улуши юқори бўлганлиги сабабли фаннинг аҳамияти ва уни ўрганиш зарурати катта.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Фанни ўрганишдан асосий мақсад - ўқувчиларда бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат Агросаноат интеграциясининг назарий ва амалий масалалари тўғрисида талаб қилинадиган билимларни шакллантиришдир.

«Агросаноат интеграцияси» фанни ўрганишнинг асосий вазифаларига:

- Агросаноат интеграциясини бошқариш, иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш учун зарур замонавий билимлар билан қуроллантириш;

- уларга давлатнинг аграр иқтисодий сиёсатини чуқур англашиш;

- Агросаноат интеграцияси фанини бошқа иқтисодий фанлар ютуқлари билан ўзаро ҳамкорликда ўргатиш;

- иқтисодий қонунларнинг Агросаноат мажмуасида амал қилиш хусусиятларини ўргатиш ва бошқалар киради.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

«Агросаноат интеграцияси» фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

-мамлакат Агросаноат интеграциясининг турлари,ташкилий шакллари ва таркибини; Агросаноат мажмуасига кирувчи сохаларини ривожлантириш бўйича қонунлар ва қонуниятларни билиши ҳамда қўллай олишни; мажмуа корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари асослашни; Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали усуллари жорий этиш соҳасида интеграцион алоқалар; Агросаноат мажмуаси тармоқларида турли мукчилик шаклидаги корхоналарни тузиш ва улар фаолиятини бошқариш, мажмуа маҳсулот ва хизматларига талаб ва таклифни ўрганиш ва уларни қондириш йўллари билиши; тармоқлар ўртасидаги узвий алоқаларнинг ривожланиш тенденцияларини; фанга оид иқтисодий категорияларнинг моҳиятини; мамлакат Агросаноат интеграциясида мавжуд муаммолар ва уларни мўътадил ечимини топишнинг йўналишларини; Ўзбекистон Республикасининг аграр иқтисодий сиёсатининг моҳиятини **билиши;**

-талаба агросаноат интеграциясида ижтимоий-иқтисодий ва экологик тизимларни шаклланиш жараёнларини таҳлил қилиш бўйича; мажмуа иқтисодиётига оид иқтисодий статистик ва ҳисобот маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича; миллий, тармоқлар, ҳудудий ва корхона иқтисодиётини ўзаро алоқадорлигини тушуниш бўйича; мажмуада бозор муаммолари бўйича асосий иқтисодий талабларни шакллантира олиш бўйича **кўникмаларга эга бўлиши;**

-талаба Агросаноат интеграцияси, унинг ривожланиши ва Агросаноат мажмуасининг шаклланиш қонуниятлари; мамлакат Агросаноат мажмуасининг

таркиби, унинг ривожланиб бориши; Агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи тармоқларнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш йўллари тўғрисида илмий асосланган хулосалари; Агросаноат интеграциясини ривожлантириш учун зарур билимлар асосида уни бошқариш юзасидан тўғри қарорлар қабул қилиш тартиблари; Агросаноат мажмуаси инфратузилмасининг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида; Агросаноат интеграциясини ривожланишининг истиқболларини тўғри белгилаш тартиблари; ривожланган давлатларда Агросаноат интеграциясини ривожланишининг умумий хусусиятлари тўғрисида аниқ *малакаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Агросаноат интеграцияси” фани асосий тармоқ ва соҳа фани ҳисобланиб, 2 семестрда кўйилади. Режалаштирилган мутахасислик фанлар иқтисодий тараққиёт назария, умуммутахасислик интеграллашган курси (микроиқтисодий сиёсат, корпоратив бошқарув, статистика, макроиқтисодиёт, хорижий инвестициялар) ва ихтисослик фанлар (саноат корхоналари иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, саноат тармоқлари иқтисодиёти, саноат инфратузилмаси, саноатда инвестиция сиёсати, саноатда сифатни бошқариш, инкирозга қарши бошқарув) фанларидан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий фаолияти Агросаноат интеграциясининг таркибий қисмларини ташкил қилади.

Шунинг учун Агросаноат интеграцияси фани ихтисосликнинг интеграллашган курси фанлар блокининг асосий фанларидан бири ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишдаги янги педагогик ва ахборот технологиялари**

Талабаларнинг Агросаноат интеграцияси фанини ўзлаштиришлари учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стентлардан фойдаланилади.

Мавзуларни ўтишда “инсерт”, “блиц-сўров”, “кластер”, “ақлий ҳужум” каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади. Амалий ва семинар дарсларда “зиг-зак”, “гуруҳ бўлиб ишлаш”, “инсерт”, “кооп-кооп” каби педагогик технологиялардан фойдаланилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### **Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни**

Курснинг предмети, мақсади, вазифалари ва ўрганиш усуллари

«Агросаноат интеграцияси» фанининг предмети. Агросаноат мажмуасида иқтисодий қонунларни амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари. «Агросаноат интеграцияси» фанининг моҳияти ва аҳамияти. Агромаркетинг масалалари. Агросаноат мажмуасининг молия-кредит масалалари. Хорижий давлатлар Агросаноат интеграциясининг ҳолати ва мавжуд илғор тажрибалар. Фаннинг таркиби. «Агросаноат интеграцияси» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги. “Иқтисодий назария” фани «Агросаноат интеграцияси» фанининг назарий асоси. «Агросаноат интеграцияси» фанининг бошқа иқтисодий фанлар ўртасида тутган ўрни. Иқтисодий фанларнинг бир-бирини бойитиб, тўлдириб бориши. «Агросаноат интеграцияси» фанининг предметини ўрганиш усуллари. Иқтисодий таҳлил. Иқтисодий тажриба. Қиёсий таҳлил. Статистик. Индукция ва дедукция. Тарихий диалектика. Монографик таҳлил. Таққослаш усули. Иқтисодий математик ва бошқа усуллар. Фаннинг вазифалари.

### **Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари.**

Агросаноат интеграцияси мазмуни, аҳамияти ва моҳияти. Агросаноат интеграциясининг ривожланиш омиллари. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти. Агросаноат интеграциясининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг асосий мақсадли муаммолари. Агросаноат интеграцияси турларини мутаносиб ривожлантириш масалалари.

### **Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари.**

Горизонтал интеграция. Вертикал интеграция. Хужаликлараро кооперация. Хужаликлараро корхоналар ва ташкилотлар. Кишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш бирлашмалари. Агрофирмалар. Фермер ва дехкон хужаликлари. Ширкат хужаликлари. Холдинг компаниялари. Агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмалари. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари.

### **Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги узаро иқтисодий алоқалар.**

Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси). Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси. Қишлоқ хўжалиги Агросаноат мажмуасининг марказий бўғини. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, дастлабки ва чуқур қайта ишловчи ҳамда тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма.

### **Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар.**



Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат машинасозлиги. Минерал ўғит ва Агросаноат мажмуасида ишлатиладиган кимёвий воситалар ишлаб чиқариш. Чорва моллари учун омукта ем ишлаб чиқарувчи соҳа. Микробиология саноати. Агросаноат мажмуаси учун махсус транспорт воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар. Ирригация ва мелиорация иншоотлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти. Соҳа маҳсулотларига ва уларнинг сифатига бўлган талаб. Соҳанинг асосий вазифалари. Биринчи соҳа тармоқ ва корхоналари иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати. Биринчи соҳага кирувчи тармоқлар иқтисодиётининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари. Меҳнат унумдорлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари. Маҳсулот ва хизматлар тарннархи. Фойда ва уни аниқлаш тартиби. Рентабеллик даражаси. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражаси. Соҳани ривожлантиришнинг зарурати. Соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати. Соҳани янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

#### **АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими.**

ДАЖ МТП. Муқобил МТП. Техникаларни таъмирлаш тизими. Менирал ўғит етказиб берувчи унитар корхоналар. Ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берувчи унитар корхоналар. Агросервис корхоналари. Агротаъминот корхоналари. СФУ. Хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими. Консалтинг хизматлари кўрсатиш тизими. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов тизими. Тижорат банклари. Суғирта компаниялар. Алоқа тизими. Энергетика тизими. Йўл-транспорт тизими. Музхоналар ва омборлар. Зооветеринария хизмати. Биологик лабароториялар. Маркетинг тизими. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги тармоқ бирлашмалар (уюшмалар). ”Ўзқишлоқ хўжалик таъминот таъмир” тизими. Уруғчилик ва наслчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари. Ихтисослашган илмий текшириш институтлари.

#### **Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи тармоқ сифатида.**

Қишлоқ хўжалиги – Агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакллари. Худудлар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қайта ишлаш тармоқлари корхоналарининг жойлашишига ва ривожланишига асос бўлиши. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг саноатлашиши уни қайта ишлаш тармоқлари билан интеграциялашувининг асоси. Қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш саноатидаги тутган ўрни ва аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бозор. Қишлоқ хўжалиги мамлакатни озиқ овқат фондини шакиллантириши. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноатни хомашё билан таъминлаши. Талаб ва таклиф омиллари, уларни тадқиқ этиш усуллари. Маҳсулотнинг ортиқлиги ва тақчиллиги, истемолчи ва ишлаб чиқарувчилар мувозанати. Аҳолини иш жойлари билан таъминлаши.

### **Дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион алоқалар.**

Дон маҳсулотлари, дон маҳсулотларини етиштириш уларнинг турлари ва хусусиятлари. Дон маҳсулотининг аҳоли истеъмолотидаги ўрни. Дон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари. Ўзбекистонда ғалла мустақиллиги. Дон маҳсулотини қайта ишлаш корхоналари ва уларнинг хусусиятлари. Ғаллачилик мажмуаси унинг таркиби, таркибий соҳалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасини ривожланишида инфратузилманинг аҳамияти. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасида маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш тизими. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасида инновацион технологиялар. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасида инвестицион сиёсат.

### **Техника экинлари ва уларни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносибатлар.**

Техник экинлар, уларнинг турлари, хусусиятлари. Техник экинларни Ўзбекистонда етиштириш хусусиятлари. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари. Пахтачилик Агросаноат мажмуаси, унинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги ўзаро интеграцион алоқалар. Пахтачилик Агросаноат мажмуада пахта хомашёсини етиштириш сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизими. Пахтачилик Агросаноат мажмуани ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар. Пахтачилик Агросаноат мажмуани ривожланишида инфратузилмани роли. Пахта хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган истеъмол ва бошқа товарлар. Пахтачилик Агросаноат мажмуада ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархи ва самарадорлик кўрсаткичлари. Пахта хомашёсига нарх белгилаш, нархлар паретети. Пахтачилик Агросаноат мажмуасида инновацион технологиялар ва инвестицион сиёсат.

### **Мева-сабзовотчилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносибатлар.**

Мева-сабзовот маҳсулотлари, турлари ва етиштириш хусусиятлари. Саноатбоп бўлган мева-сабзовот маҳсулот турлари. Мева-сабзовот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар. Саноатбоп мева-сабзовот маҳсулотларини етиштириш, йиғиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш харажатлари. Мева-сабзовот маҳсулотларининг таннархи ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Мева-сабзовотчилик деҳқон ва фермер хўжаликлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносибатлар. Бозор шароитида саноатбоп мева-сабзовот маҳсулотларига нарх белгилаш. Нарх паретети. Мева-сабзовот етиштиришда ва қайта ишлашда инфратузилмани аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида қайта ишланган маҳсулотларни сотиш бозори.

### **Чорвочилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқалар.**

Агросаноат интеграциясида чорвачилик тармоғини тутган ўрни. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг турлари, хусусиятлари. Чорвачилик маҳсулотларининг аҳоли истеъмолдаги ўрни. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш харажатлари ва маҳсулот таннархи. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Чорвачилик маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари. Ўзбекистонда чорвачилик тармоғини ривожлантириш имкониятлари. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва уларни хусусиятлари. Чорвачилик мажмусининг таркиби, таркибий соҳалар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. Чорвачилик Агросаноат мажмуаси ривожланишида инфратузилмаларнинг аҳамияти. Чорвачилик Агросаноат мажмуасида маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш тизими. Чорвачилик Агросаноат мажмуасида инновацион технологиялар. Чорвачилик Агросаноат мажмуасида инвестицион сиёсат.

### **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизими.**

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури бўйича мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг таркиби. Озиқ-овқат саноати. Донни қайта ишловчи корхоналар ва уларни ривожлантириш. Пахта, пилла, каноп, тери ва жунни қайта ишловчи корхоналари. Енгил саноат ва уни ривожланиши. Агросаноат мажмуасининг охириги, тайёр маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар. Супермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, озиқ-овқат савдо кўرғазмалари (ярмаркалари), агробиржалар. Дехқон бозорлари ва уларнинг аҳамияти, ўрни. Дехқон бозорларини ривожлантириш йўналишлари. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти. Соҳанинг қишлоқ хўжалигига қўядиган талаблари. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг ҳозирги ҳолати. Соҳага кирувчи тармоқлар ва корхоналар иқтисодиётининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари. Меҳнат унумдорлиги. Маҳсулот ва хизматлар таннархи. Рентабеллик даражаси. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражаси. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасини ривожлантириш йўналишлари.

### **Агросаноат мажмуасида Холдинг туридаги вертикал интеграциялашган тузилмалар.**

Агросаноат мажмуасида интеграциялашган тузилмалар уларнинг хусусиятлари. Агросаноат мажмуасида горизонтал ва вертикал интеграциялашган тузилмалар. Агросаноат мажмуасида холдинг компанияси тушунчаси, унинг таркиби ва хусусиятлари. Холдинг компаниясининг устави, бошқарув тизими. Холдинг компаниясида қарор қабул қилиш тизими. Холдинг

компаниясининг молиявий тизими. Холдинг компаниясида нарх сиёсати. Холдинг компаниясини ривожланишига, самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар. Холдинг компаниясида инновацион технологиялар ва инвестицион сиёсат.

### **Агрофирмани ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.**

Агрофирмани ташкилий иқтисодий-ҳуқуқий асослари. Агрофирмани таркибий тузилмалари. Агрофирмани тузиш тартиби. Агрофирма таркибидаги субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Агрофирма ресурслари ва уларни шакллантириш масалалари. Агрофирма харажатлари ва уларни пасайтириш йўллари. Агрофирма маҳсулотлари таннархи ва камайтиш йўллари. Агрофирма фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари. Агрофирманинг иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий натижалари. Агрофирмада фойдани шаклланиши ва тақсимланиши. Агрофирма маҳсулотларига нарх белгилаш. Агрофирма қатнашчиларини рағбатлантириш масалалари. Агрофирмада инновацион фаолият. Агрофирмада инвестицион сиёсат. Агрофирма фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

### **Агросаноат интеграцияси соҳасидаги чет эл тажрибалари.**

Агросаноат мажмуасида интеграциялашган тузилмаларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг чет эл тажрибаси. Агросаноат тузилмаларининг фаолият юритиш тамойиллари. Агросаноат тузилмаларининг ташкилий хусусиятлари. Агросаноат тузилмалари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Агросаноат тузилмаларини ташкил қилиш ва бошқаришнинг Россия Федерацияси, Германия, Хитой ва Европа хамжамияти давлатлари тажрибаси.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:**

1. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари.
3. Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари.
4. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар.
5. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар
6. АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими.
7. Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи тармоқ сифатида.
8. Дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион алоқалар.
9. Техника экинлари в уларни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интергацион муносабатлар.
10. Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатлар.
11. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқалар.

12. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизими.

13. АСМда Холдинг туридаги вертикал интеграциялашган тузилмалар.

14. Агрофирмаларни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

15. Агросаноат интеграцияси соҳасидаги чет эл тажрибалари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича таҳлил қилиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълимнинг каттагина турли хил шакллари мавжуд бўлиб, талаба ўқитувчи раҳбарлигида янги билимларни, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида бажара олади.

Ушбу шаклларга қуйидагилар тегишлидир:

- дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;

- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;

- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;

- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;

- масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

- 1. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.

- 2. Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари.

- 3. Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари.

- 4. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар.

- 5. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар
- 6. АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими.
- 7. Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи тармоқ сифатида.
- 8. Дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион алоқалар.
- 9. Техника экинлари в уларни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатлар.
- 10. Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатлар.
- 11. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқалар.
- 12. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизими.
- 13. АСМда Холдинг туридаги вертикал интеграциялашган тузилмалар.
- 14. Агрофирмаларни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.
- 15. Агросаноат интеграцияси соҳасидаги чет эл тажрибалари.

### **Информацион-методик таъминот.**

Фанни ўқитишда ўқитишнинг интерфаол усулларидан, ахборот-коммуникацияларнинг презентацион, мультимедия, электрон дедактик технологияларидан фойдаланилади.

### **Тавсия этилаётган адабиётлар**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик) – Т.: ТДИУ, 2006 – 346 бет.
2. Жўраев Ф. – Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш – (дарслик) – Т.: “Истиқлол”, 2004 – 343 бет.
3. Экономика отраслей АПК/ Минаков И.А., Куликов Н.И., Соколов О.В. и др.; Под ред. Минакова И.А. –М.: Колос, 2004. -464 с.
4. Зокиров О. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. Дарслик. – Т.: ЎзАЖБНТ, 2003. – 396 бет.
5. Серова Е.В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999. – 480 с.
6. Ткач А.В.. Сельскохозяйственная кооперация учебное пособие второе издание. Издательства торговая кооперация, Дашков и К° «Москва» 2003г-304стр.
7. Емельянова Ф.И., Крилов Н.К., Организация переработка сельскохозяйственной продукции. Учебное пособие и практикум –М: ассоциация авторов и издателей «ТАИДЕМ» Издательства «ЭКОМОС» 2000-384 стр.
8. Кундиус В.А. «Экономика агропромышленного» комплекса: учебное пособие/ В.А.Куидиус; -М. кнорус,2010 -544с.

9. Цинкин. Ю.А; Люкшинов А.Н., Эриашвили Н.Д. Агроткетинг и консалтинг. Учебное пособие для вузов/ Под ред проф. Цинкина Ю.А. М: ЮНИТИ-Дина,2000 637с

10. Прогнозирование и планирование агропромышленного комплекса: Учебник – М: Гардарикс, 1999 – 260с

11. Агробизнес: учебное пособие Бусел И.П., Малихтарович П.И.– Минск: Беларус. 2009 – 308 ст.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства: Учебник. – М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2000-326с.

2. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 page.

3. Хакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М. Агроткетинг интеграцияси – (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 бет.

4. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Хакимов Р.Х., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (ўқув қўлланма) – Т.: 2004. – 176 бет.

5. Салимов .Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Хакимов Р.Х., Ўроқов Н.И., Арипов И.М. Жаҳон кишлок хўжалиги (ўқув қўлланма) – т.: ТДИУ, 2004 – 128 бет.

6. Сельское хозяйство на случае развития. Доклад мировом развитии 2008. Всемирный банк. Вашингтон, округ Колумбия. М: издательства «Весь мир» 2008 - 424ст.

7. Холдинги: Правовое регулирование экономической зависимости. Управление в группах компаний/ Шиткина И.С.– М.: Волтерс клевер 2008 -560ст

**« АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ »**

**Фанидан**

<b>Билим соҳаси:</b>	<b>200000</b>	- Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ
<b>Таълим соҳаси:</b>	<b>230000</b>	- Иқтисод
<b>Магистратура мутахасислиги:</b>	<b>5A230102</b>	- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**И Ш Ч И Ў Қ У В Д А С Т У Р И**

Умумий ўқув соати	– 130
Шу жумладан:	
Маъруза	- 40
Амалий машғулот	- 40
Мустақил таълим	-50



Фаннинг ишчи ўқув дастури Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасининг 2011 йил « 28 » Августдаги №-1 - сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

5A230102- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича ) мутахассислиги ўқув дастури, ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи:  
Т.Ш.Шомансуров

и.ф.н., доц.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Миллий Университети «Иқтисодиёт» факультети Илмий Кенгашининг 2011 йил «28» Августдаги №-1 - сонли мажлисида тасдиқланди.

### **Кириш**

Ушбу фан бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизмини, Агросаноат мажмуасида турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолиятини интеграллашуви, уларнинг бозор шароитидаги бир бири билан ўзаро ҳаракатини, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари талабаларга ўргатишга қаратилган.

Агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалиги билан қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган соҳаларини ва қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини, ижтимоий инфратузилмасини ўз ичига олади ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрганади. Шу билан бирга агросаноат интеграциясининг аҳамияти шундаки, у кўп тармоқли ишлаб чиқаришдан ихтисослашган ишлаб чиқаришга ўтишга, уни самаралироқ индустрия негизида қуришга имкон беради, улар ўртасидаги иқтисодий шарт-шароитларни яқинлаштиришга, тенглаштиришга, ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишга кўмак беради. Бир соҳа ёки тармоқда фаолият олиб борувчи корхоналарнинг горизонтал интеграциялашувига айланиб кетувчи ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов: “...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”<sup>3</sup> деб таъкидлаб ўтдилар.

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.-56 б.

“Агросаноат интеграцияси” фани дастури мамлакат агросаноат мажмуаси иқтисодиётининг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш ва уни мўътадил ривожлантиришнинг ечимларини топишда ҳамда “иқтисодиёт” таълим йўналиши мутахассисликларининг шаклланишида катта аҳамиятга эга.

**1-мавзу. Курснинг предмети, мақсади, вазифалари ва ўрганиш усуллари.  
(2 соат).**

«Агросаноат интеграцияси» фанининг предмети. Агросаноат мажмуасида иқтисодий қонунларни амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари. «Агросаноат интеграцияси» фанининг моҳияти ва аҳамияти. Агромаркетинг масалалари. Агросаноат мажмуасининг молия-кредит масалалари. Хорижий давлатлар Агросаноат интеграциясининг ҳолати ва мавжуд илғор тажрибалар. Фаннинг таркиби. «Агросаноат интеграцияси» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги. “Иқтисодий назария” фани «Агросаноат интеграцияси» фанининг назарий асоси. «Агросаноат интеграцияси» фанининг бошқа иқтисодий фанлар ўртасида тутган ўрни. Иқтисодий фанларнинг бир-бирини бойитиб, тўлдириб бориши. «Агросаноат интеграцияси» фанининг предметини ўрганиш усуллари. Иқтисодий таҳлил. Иқтисодий тажриба. Қиёсий таҳлил. Статистик. Индукция ва дедукция. Тарихий диалектика. Монографик таҳлил. Таққослаш усули. Иқтисодий математик ва бошқа усуллар. Фаннинг вазифалари.

**2-мавзу. Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш  
омиллари.  
(2 соат).**

Агросаноат интеграцияси мазмуни, аҳамияти ва моҳияти. Агросаноат интеграциясининг ривожланиш омиллари. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти. Агросаноат интеграциясининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг асосий мақсадли муаммолари. Агросаноат интеграцияси турларини мутаносиб ривожлантириш масалалари.

**3-мавзу. Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари  
(2 соат)**

Горизонтал интеграция.Вертикал интеграция. Хужаликлараро кооперация. Хужаликлараро корхоналар ва ташкилотлар. Кишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш бирлашмалари.Агрофирмалар.Фермер ва дехкон хужаликлари. Ширкат хужаликлари. Холдинг компаниялари.Агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмалари. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари.

**4-мавзу. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро  
иқтисодий алоқалар. (2 соат)**

Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси). Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар - Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси. Қишлоқ хўжалиги - Агросаноат мажмуасининг марказий бўғини. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, дастлабки ва чуқур қайта ишловчи ҳамда тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма.

## **5-Мавзу. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар (2 соат)**

Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат машинасозлиги. Минерал ўғит ва Агросаноат мажмуасида ишлатиладиган кимёвий воситалар ишлаб чиқариш. Чорва моллари учун омухта ем ишлаб чиқарувчи соҳа. Микробиология саноати. Агросаноат мажмуаси учун махсус транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар. Ирригация ва мелиорация иншоотлари учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти. Соҳа маҳсулотларига ва уларнинг сифатига бўлган талаб. Соҳанинг асосий вазифалари. Биринчи соҳа тармоқ ва корхоналари иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати. Биринчи соҳага кирувчи тармоқлар иқтисодиётининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари. Меҳнат унумдорлиги. Ишлаб чиқариш харажатлари. Маҳсулот ва хизматлар тарннархи. Фойда ва уни аниқлаш тартиби. Рентабеллик даражаси. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражаси. Соҳани ривожлантиришнинг зарурати. Соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати. Соҳани янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

## **6-Мавзу. АСМда сервис хизматини кўрсатиш тизими (2 соат)**

ДАЖ МТП. Муқобил МТП. Техникаларни таъмирлаш тизими. Менирал ўғит етказиб берувчи унитар корхоналар. Ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берувчи унитар корхоналар. Агросервис корхоналари. Агротаъминот корхоналари. СФУ. Хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими. Консалтинг хизматлари кўрсатиш тизими. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов тизими. Тижорат банклари. Суғирта компаниялар. Алоқа тизими. Энергетика тизими. Йўл-транспорт тизими. Музхоналар ва омборхоналар. Зооветеринария хизмати. Биологик лабароториялар. Маркетинг тизими. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги тармоқ бирлашмалар (уюшмалар). ”Ўзқишлоқ хўжалик таъминот таъмир” тизими. Уруғчилик ва наслчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари. Ихтисослашган илмий текшириш институтлари.

## **7-мавзу. Қишлоқ хўжалиги, - қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи, - тармоқ сифатида (2 соат)**

Қишлоқ хўжалиги – Агросаноат мажмуасининг асосий бўғини ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакллари. Худудлар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми қайта ишлаш тармоқлари корхоналарининг жойлашишига ва ривожланишига асос бўлиши. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларининг саноатлашиши уни қайта ишлаш тармоқлари билан интеграциялашувининг асоси. Қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш саноатидаги тутган ўрни ва аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бозор. Қишлоқ хўжалиги мамлакатни озиқ овқат фондини шакиллантириши. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноатни хомашё билан таъминлаши. Талаб ва таклиф омиллари, уларни тадқиқ этиш усуллари. Маҳсулотнинг ортиқлиги ва

тақчиллиги, истемолчи ва ишлаб чиқарувчилар мувозанати. Аҳолини иш жойлари билан таминланиши.

### **8-мавзу. Дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион алоқалар. (4 соат)**

Дон маҳсулотлари, дон маҳсулотларини етиштириш уларнинг турлари ва хусусиятлари. Дон маҳсулотининг аҳоли истеъмолотидаги ўрни. Дон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари. Ўзбекистонда ғалла мустақиллиги. Дон маҳсулотини қайта ишлаш корхоналари ва уларнинг хусусиятлари. Ғаллачилик мажмуаси унинг таркиби, таркибий соҳалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасини ривожланишида инфратузилманинг аҳамияти. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасида маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш тизими. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасида инновацион технологиялар. Ғаллачилик Агросаноат мажмуасида инвестицион сиёсат.

### **9-мавзу. Техника экинлари в уларни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интергацион муносабатлар (4 соат)**

Техник экинлар, уларнинг турлари, хусусиятлари. Техник экинларни Ўзбекистонда етиштириш хусусиятлари. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари. Пахтачилик Агросаноат мажмуаси, унинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги ўзаро интеграцион алоқалар. Пахтачилик Агросаноат мажмуада пахта хомашёсини етиштириш сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизими. Пахтачилик Агросаноат мажмуани ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар. Пахтачилик Агросаноат мажмуани ривожланишида инфратузилмани роли. Пахта хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган истеъмол ва бошқа товарлар. Пахтачилик Агросаноат мажмуада ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархи ва самарадорлик кўрсаткичлари. Пахта хомашёсига нарх белгилаш, нархлар паретети. Пахтачилик Агросаноат мажмуасида инновацион технологиялар ва инвестицион сиёсат.

### **10-мавзу. Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатлар (4 соат)**

Мева-сабзавот маҳсулотлари, турлари ва етиштириш хусусиятлари. Саноатбоп бўлган мева-сабзавот маҳсулот турлари. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар. Саноатбоп мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, йиғиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш харажатлари. Мева-сабзавот маҳсулотларининг таннархи ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Мева-сабзавотчилик деҳқон ва фермер хўжаликлари билан қайти ишлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Бозор шароитида саноатбоп мева-сабзавот маҳсулотларига нарх белгилаш. Нарх паретети. Мева- сабзавот етиштиришда ва қайта ишлашда инфратузилмани аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида қайта ишланган маҳсулотларни сотиш бозори.

### **11-мавзу. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқалар (4 соат)**

Агросаноат интеграциясида чорвачилик тармоғини тутган ўрни. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг турлари,

хусусиятлари. Чорвачилик маҳсулотларининг аҳоли истеъмолидаги ўрни. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш харажатлари ва маҳсулот таннархи. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Чорвачилик маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари. Ўзбекистонда чорвачилик тармоғини ривожлантириш имкониятлари. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва уларни хусусиятлари. Чорвачилик мажмусининг таркиби, таркибий соҳалар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. Чорвачилик Агросаноат мажмуаси ривожланишида инфратузилмаларнинг аҳамияти. Чорвачилик Агросаноат мажмуасида маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш тизими. Чорвачилик Агросаноат мажмуасида инновацион технологиялар. Чорвачилик Агросаноат мажмуасида инвестицион сиёсат.

### **12-мавзу. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизими. (4 соат)**

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури бўйича мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг таркиби. Озиқ-овқат саноати. Донни қайта ишловчи корхоналар ва уларни ривожлантириш. Пахта, пилла, каноп, тери ва жунни қайта ишловчи корхоналари. Енгил саноат ва уни ривожланиши. Агросаноат мажмуасининг охириги, тайёр маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар. Супермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, озиқ-овқат савдо кўرғазмалари (ярмаркалари), агробиржалар. Дехқон бозорлари ва уларнинг аҳамияти, ўрни. Дехқон бозорларини ривожлантириш йўналишлари. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти. Соҳанинг қишлоқ хўжалигига қўядиган талаблари. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг ҳозирги ҳолати. Соҳага кирувчи тармоқлар ва корхоналар иқтисодиётининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари. Меҳнат унумдорлиги. Маҳсулот ва хизматлар таннархи. Рентабеллик даражаси. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалдан фойдаланиш даражаси. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасини ривожлантириш йўналишлари.

### **13-мавзу: АСМда Холдинг туридаги вертикал интеграциялашган тузилмалар (2 соат)**

Агросаноат мажмуасида интеграциялашган тузилмалар уларнинг хусусиятлари. Агросаноат мажмуасида горизонтал ва вертикал интеграциялашган тузилмалар. Агросаноат мажмуасида холдинг компанияси тушунчаси, унинг таркиби ва хусусиятлари. Холдинг компаниясининг устави, бошқарув тизими. Холдинг компаниясида қарор қабул қилиш тизими. Холдинг компаниясининг молиявий тизими. Холдинг компаниясида нарх сиёсати. Холдинг компаниясини ривожланишига, самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар. Холдинг компаниясида инновацион технологиялар ва инвестицион сиёсат.

## **14-мавзу. Агрофирмаларни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари (2 соат)**

Агрофирмани ташкилий иқтисодий-ҳуқуқий асослари. Агрофирмани таркибий тузилмалари. Агрофирмани тузиш тартиби. Агрофирма таркибидаги субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Агрофирма ресурслари ва уларни шакллантириш масалалари. Агрофирма харажатлари ва уларни пасайтириш йўллари. Агрофирма маҳсулотлари таннархи ва камайтиш йўллари. Агрофирма фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари. Агрофирманинг иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий натижалари. Агрофирмада фойдани шаклланиши ва тақсимланиши. Агрофирма маҳсулотларига нарх белгилаш. Агрофирма қатнашчиларини рағбатлантириш масалалари. Агрофирмада инновацион фаолият. Агрофирмада инвестицион сиёсат. Агрофирма фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

## **15-мавзу Агросаноат интеграцияси соҳасидаги чет эл тажрибалари. (2 соат)**

Агросаноат мажмуасида интеграциялашган тузилмаларни ташкил қилиш ва бошқаришнинг чет эл тажрибаси. Агросаноат тузилмаларининг фаолият юритиш тамойиллари. Агросаноат тузилмаларининг ташкилий хусусиятлари. Агросаноат тузилмалари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Агросаноат тузилмаларини ташкил қилиш ва бошқаришнинг Россия Федерацияси, Германия, Хитой ва Европа хамжамияти давлатлари тажрибаси.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

### **1-мавзу. Агросаноат интеграцияси фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари (2 соат)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир” номли асарларидан келиб чиққан ҳолда фанининг мақсади ва вазифаси.
2. “Агросаноат интеграцияси” фанининг предметини ўрганиш усуллари.
3. “Агросаноат интеграцияси” фанининг мутахассислар фаолиятидаги аҳамияти.
4. “Агросаноат интеграцияси” фанининг қисқача ривожланиш тарихи.

### **2-мавзу. Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари (2 соат)**

1. Агросаноат интеграцияси тушунчаси, унинг моҳияти. Агросаноат интеграциясининг аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.
2. Агросаноат интеграциясининг ривожланиш омиллари.
3. Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси).
4. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг асосий мақсадли муаммолари.
5. Агросаноат интеграцияси турларини мутаносиб ривожлантириш масалалари.

### **3-мавзу. Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари (2 соат)**

1. Горизонтал интеграция. Вертикал интеграция.

2. Хужаликлараро кооперация. Хужаликлараро корхоналар ва ташкилотлар.
3. Кишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш бирлашмалари.
4. Агрофирмалар. Фермер ва деҳқон хужаликлари. Ширкат хужаликлари. Холдинг компаниялари. Агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмалари.

#### **4-мавзу. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. (2 соат)**

1. Агросаноат мажмуасининг кишлоқ жўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг таркиби.
2. Кишлоқ хўжалиги Агросаноат мажмуасининг марказий бўғини.
3. Агросаноат мажмуасининг кишлоқ жўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг вазифалари, аҳамияти.
4. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма.

#### **5-Мавзу. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар (2 соат)**

1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби.
2. Кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат машинасозлиги.
3. Минерал ўғит ва Агросаноат мажмуасида ишлатиладиган кимёвий воситалар ва чорва моллари учун омухта ем ишлаб чиқарувчи соҳалар.
4. Соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати.

#### **6-Мавзу. АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими (2 соат)**

1. Агросаноат интеграциясида ДАЖ МТП. Муқобил МТП. Техникаларни таъмирлаш тизими.
2. Агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг менирал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб берувчи унитар корхоналар таркиби.
**Айланма маблағлар** – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни сотиш мақсадида зарур айланма фондларни ва муомала фондини ташкил этиш учун аванслаштирилган пул маблағлари йиғиндисидир.

**Актив** (лотинча **aktivus**- фаол, таъсирчан, ишчан) – 1)бухгалтерия балансининг чап қисми, корхонанинг муайян санада ва пул ифодасида барча воситаларини, уларнинг таркиби ва жойлашувини (асосий фондлар, айланма воситалар, пул маблағлари, капитал сарфлар, қарздорлик талабномалари ва б.) акс этади; 2) корхона ёки ташкилотнинг мулки ёки ресурслари (бино, машина, нақд пул, қимматбаҳо қоғозлар ва б.). Пулга тез сотилиши (айланиши) мумкин

бўлган, бозори чакқон актив (векселлар, қимматбаҳо қоғозлар, олтин, нақд пул, ва б.) ликвид активлар дейилади.

**Ассоциация** (лотинча **associo** – бирлашиш, қўшиш, уюшиш) – умумий мақсадга эришиш учун тузилган уюшма, иттифоқ, гуруҳ.

**Ассортимент** (французча **assortiment** – танлаб олинган, сараланган) – муайян белгиларига кўра гуруҳланган товарлар турлари, хиллари тўплами.

**Асосий воситалар** – ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларини таъминлайдиган воситалар ( меҳнат куроллари, бино, иншоат, қурилма ва б.). Бухгалтерия ҳисоби ва режалаштиришда асосий воситалар таркибига бир йилдан ортиқ ва қиймати энг кам иш ҳақининг 15 баробаридан арзон бўлмаган воситалар киритилади.

**Асосий капитал** – капиталнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари (машина, асбоб-ускуна ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналарини) ўз ичига олувчи, иқтисодий жихатдан ўз қийматини ишлаб чиқарилган товарларга аста-секин ва узок муддатда ўтказиб борувчи қисми.

**Асосий фаолиятдан олинган фойда** - бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади.

**Алмашлаб экиш** - экинларнинг йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбати билан алмашиб турилиши.

**Аукцион** – товар ва маҳсулотларни ким ошди савдосида эркин сотиш жойи.

**Бевосита харажатлар** - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан ўзгарувчан харажатлар.

**Билвосита харажатлар** - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлар.

**Бизнес** – соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан шуғулланиш.

**Бўлинмас фонд** - қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) устав фонди қийматининг бир қисми бўлиб, у ширкат хўжалиги тасарруфида қолади ва пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

**Базис давр** – иқтисодиётда жорий (ҳисобот) даври маълумотлари (кўрсаткичлари) ни қиёслаш учун қабул қилинган бирор вақт (ой, квартал, йил ва ҳ.к.) ёки сана.

**Базис нарх** - 1) режали иқтисодиётда доимий деб қабул қилинган ва халқ хўжалиги кўрсаткичлари (масалан, миллий даромад ҳажми, саноат, қишлоқ хўжалиги, ялпи маҳсулоти ва б.) даги ўзгаришларни индексларни ҳисоблашда асос қилиб олинган нарх. 2) сифат кўрсаткичлари аниқ бўлган товарнинг контракт ёки прејскурант нархи.

**Баланс** ( лотинча **balanx** ) – бирон-бир фаолиятнинг бир-бирини мувозанатлаши лозим бўлган томонлари (масалан, даромадлар ва харажатлар) ўртасидаги нисбатларнинг миқдорий ифодаси. Иқтисодиётда бухгалтерия баланси, ижтимоий маҳсулот баланси, савдо баланси, меҳнат ресурслари баланси, даромад ва харажатлар баланси, тўлов баланси ва бошқа баланслар мавжуд.

**Бандлик** – аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга лаёқотли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунларга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

**Банк кредити** – банкларнинг миждозларга вақтинчалик фойдаланиш учун капитал бериши. Банклар қайтаришлик, банк фоизи тўлови ва муддатлилик шартларида ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлари беради. Турли ссудалар (савдо-сотик, кўчмас мулкни гаровга оилш, асосий капитални кенгайтириш ва бошқалар), векселлар ҳисоби каби шакллари бор.

**Банк фоиз ставкаси** - банки ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади. Унинг миқдори кредит тури, муддати ва қарзнинг вақтида қайтарилишига боғлиқ. Тижорат ва давлат банклари Марказий (миллий) Банк бошчилигида кредитлар учун белгилайдиган банк фоиз ставкаси қарзнинг қайси тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Узоқ муддатли қарзнинг банк фоиз ставкаси паст, қисқа муддатлисиники юқори бўлади.

**Бозор** - сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айрибошлаш муносабатлари; ишлаб чиқариш билан истеъмолни ўзаро боғловчи механизм. Бозор объекти нафлилиги бор товар ва хизматлар. Бозор иштирокчилари (сотувчи ва харидорлар) бўлиб улар фирмалар, уй хўжаликлари, давлатнинг ташкилот, идоралари ва бошқалардан иборат.

**Бозор инфратузилмаси** – бозорда товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган муассасалар, ташкилотлар мажмуи. Бозор инфраструктурасининг асосий унсурлар қуйидагилар: биржалар (товар, хом ашё, фонд, валюта) ва уларнинг ташкилий расмийлаштирилган воситачилиги; кимошди савдолари, ярмаркалар ва биржадан ташқари ташкилий воситачилик шакллари; кредит тизими ва тижорат банклари, эмиссия тизими ва эмиссия банклари; аҳоли бандлигини бошқариш тизими; давлат ва нодавлат бандликка ёрдам кўрсатиш марказлари (меҳнат биржалари); ахборот технологиялари ва ишбилармонлик алоқалари воситалари; солиқ тизими ва солиқ инспекциялари; тижорат-хўжалик хатари суғуртаси тизими ва суғурта компаниялари; махсус реклама агентликлари, ахборот марказлари ва оммавий ахборот воситалари агентликлари; савдо палаталари, божхона тизими; ўрта ва олий иқтисодий таълим тизими; аудиторлик ва консалтинг компаниялари; ва ҳ.к.

**Бозор конъюктураси** – муайян даврдаги бозор ҳолати; бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан харктерланади. Шунга кўра бозор конъюктураси ижобий ва салбий, қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин.

**Биржа** – маҳсулотларни сотиш тизимларидан бири. Талаб ва таклифга қараб маҳсулотлар нархи биржада мувозанатлашиб туради.

**Вексель** (немисча **Wechsel** - айирбошлаш) – кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни тўлаш мажбурияти қайд этилган қарздорлик ҳақидаги расмий ҳужжат; қимматли қоғоз.

**Даромадлар** - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши.

**Давлат буюртмалари** – давлат томонидан муайян маҳсулот турини (ҳозирги кунда пахта ва ғаллани) етказиб бериш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартнома-топшириқ.

**Дивиденд** — соф фойданинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин ширкат хўжалиги (акциядорлар жамияти) ихтиёрида қоладиган ва аъзолар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисми.

**Дехқон хўжалиги** - оилавий майда товар хўжалиги, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

**Дехқончилик тизими** - деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ердан тўла фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**Давлат буюртмаси** - давлат талаби билан (шартнома ёки келишув асосида) корхона, ташкилот, хўжаликларга муайян маҳсулот турини белгиланган муддатларда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари учун тегишли хизматлар кўрсатиш, шунингдек ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий техникавий ишларини бажариш ва бошқалар.

**Давлат бюджети** – давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи.

**Даромад** – кенг маънода кирим бўлган ҳар қандай пул маблағлари ёки пул қийматига эга бўлган моддий бойликларни олиш, иқтисодий субъект ўз фаолияти натижасига кўра оладиган пул ва товар – моддий тушум.

**Дехқончилик** – ўсимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун маданий ўсимликлар (қишлоқ хўжалик экинлари)ни етиштириш; қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири.

**Дехқончилик тизими** – ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган, ўзаро бир-бирига боғлиқ технологик (агротехник), мелиоратив ва ташкилий иқтисодий тадбирлар мажмуи.

**Дотация** (лотинча **dotatio** – туҳфа) – 1) маълум харажатларни қоплаш учун иқтисодиётнинг бир субъекти томонидан иккинчисига қайтариб бермаслик шарти билан пул маблағлари берилиши. Дотация одатда давлат бюджети томонидан берилади. 2) муайян фуқаро ва ташкилотларга кўрилган зарарни қоплаш ёки белгиланган мақсадлар учун давлат томонидан пул маблағларининг ажратилиши (берилиши).

**Ер мониторинги** – бу ернинг ҳолатини доимий назорат қилиб туриш тизимидир.

**Ер трансформацияси** – қишлоқ хўжалигида ерларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиши. Одатда ер трансформациясининг икки тури мавжуд. Биринчиси ижобий ер трансформацияси – нисбатан ёмон ерларнинг яхши ерлар сафига ўтиши. Иккинчиси салбий ер трансформацияси – яхши ерларнинг ёмон ерлар сафига ўтиши.

**Йилнинг соф фойдаси** - у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган қисми.

**Ихтисослаштириш** – мавжуд табиий-иқлимий шарт-шароитлар ва бошқа омиллар таъсирида у ёки бу маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослашув.

**Инвестиция** – бу фойда олиш мақсадида молиявий ресурсларни (капитални) иқтисодиётнинг тармоқларига узоқ муддатга қўйишдир.

**Кичик бизнес** – манфаат (фойда) олиш мақсадида ишлаб чиқаришни, асосан хусусий тадбиркорликни кичик миқдорда ва шаклларда, ташкил этиш. У ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдонинг маълум шакл ва турларида ривожланади. Хусусий тадбиркор ўз фаолиятини маълум хатар (рақобат таваккалчилиги) асосида юритади.

**Мотивация** (сабабни асослаш) – реал меҳнат хулқини тушунтириш, асослаб бериш учун сабаблар (мулоҳазалар) танлашга қаратилган оғзаки хати-ҳаракатдир.

**Меҳнат бозори** – ишчи кучларининг меҳнатга бўлган қобилиятини сотиш ва сотиб олиш тизими. Меҳнат бозорининг учта субъекти мавжуд. Буларга: ўз ишчи кучини сотувчилар, иш берувчилар ва давлат киради.

**Меҳнат ресурслари** – аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига (жисмоний ва ақлий фаолиятга) эга бўлган қисми.

**Меҳнат унумдорлиги** – Конкрет сарфланган меҳнатнинг самарадорлиги, натижавийлигидир. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади.

**Молиявий натижалар** - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни.

**Молиявий лизинг** – амалда узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланиб, мулк узоқ муддатга, одатда, тўлиқ амортизация муддатига ёки унинг катта қисмига ижара шартномаси тузилади. Молиявий лизингда ижара шартномаси тугагач, лизинг объекти лизинг олувчи томонидан сотиб олиниши ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиши мумкин.

**Маҳсулот таннархи** - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш, сотиш учун қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

**Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда.** Бу сотишдан олинган соф тушумдан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини олиш билан аниқланади;

**Моддий-техника базаси** - тармоқларда ишлаб чиқаришни амалга ошириш жараёнида ишлатилаётган асосий воситалар, айланма маблағлар биргаликда уларнинг моддий-техника базаси деб юритилади.



**Оператив лизинг** – мулкни унинг хизмат муддатида кам даврга ижарага беришни назарда тутади. Ижара муддати тугагач, мулк эгасига қайтарилади ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиб қолади.

**Пайчилик муносабатлари** – шерикчилик асосида бизнес юритишга ҳисса кўшиш ва шу ҳиссага қараб даромад кўриш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар.

**Пай фонди** - ширкат хўжалиги уставига мувофиқ ширкат хўжалиги аъзоларининг қийматда ифодаланган мулкый пайлари, ҳар бир аъзонинг ширкат хўжалиги пай фондидаги улуши.

**Рентабеллик** – тармоқ ёки корхонанинг фойда олиб ишлаши, активлар, сотилган маҳсулот ёки ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан фойдалилик даражасини кўрсатади.

**Солиқ тўлагунгача олинган фойда** - у умум хўжалик фаолиятдан олинган фойда, плус фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади.

**Тармоқ** - қўлланилаётган воситалар, ишлаб чиқариш технологияси, ташкил қилиш хусусияти ҳамда маҳсулотлардан фойдаланиш тартибига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ишлаб чиқаришнинг бир қисми.

**Таъриф иш ҳақи фонди** - ишлаб чиқариш технологиясига кўра бажариладиган ишнинг ҳажми, меъёри ва разряди ставкасига кўра аниқланадиган иш ҳақи фонди.

**Таъриф жадвали** – меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари, таъриф коэффицентлари ва ставкаларини ичига олган жадвал.

**Тупроқ унумдорлиги** – тупроқнинг маҳсулот бериш қобилияти. Унумдорликнинг табиий, сунъий ва иқтисодий турлари мавжуд. Тупроқнинг табиий унумдорлиги – инсон аралашмасдан ҳосил бериш қобилияти. Бу унумдорлик инсоннинг меҳнати билан вужудга келмаган. Уни табиат яратган. Сунъий унумдорлик – инсон меҳнатининг маҳсули. Иқтисодий унумдорлик тупроқнинг табиий ва сунъий унумдорлигининг йиғиндисидир.

**Устав фонди** - корхоналар фаолиятини таъминлаш учун таъсисчилар томонидан дастлаб киритиладиган ва кейинчалик кўпайтириб бориш мумкин бўлган, ҳажми корхонанинг уставида белгилаб қўйиладиган маблағ. Ширкат хўжаликларида пай фонди ва бўлинмас фонддан иборат бўлади.

**Харажатлар** - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши.

**Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)** – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

**Қўшимча иш ҳақи** – қўшимча меҳнат сарф қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш орқали қўшимча етиштирилган маҳсулот ёки юқори сифатли маҳсулот ҳамда шу маҳсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига тўланадиган иш ҳақи.

**Чорвачилик тизими** - чорва моллари сонини ўстириш ва сифатини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларни камайтириш, умуман, чорва моллари ва чорвачилик воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий, технологик ва техникавий тадбирлар йиғиндиси.

**Фавқулодда даромад (зарар)** - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятидан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ёки харажатлар.

**Фермер хўжалиги** - ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъекти.

**Фьючерс шартномаси** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмасдан олдин сотиш билан боғлиқ шартнома.

**Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар)** - бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида аниқланади;

**Шўъба корхона** - ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.

**Ҳосилдорлик** – бир бирлик экин майдони (гектар, сотих ва бошқа) ҳисобига етиштирилган ҳосилнинг физик миқдори.

**Ялли фойда** – ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар) ихтиёрида қоладиган қўшимча қийматнинг бир қисми (иш ҳақи ва солиқлар тўланишидан қолган қисми).

**Ялли маҳсулот** – бир йил ичида бирор тармоқда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган иш ва хизматларнинг пулда ифодаланиши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ ” факультети**

**“Иқтисодий назария” кафедраси**

**Шомансуров Ш.Т.**

**“АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ”**

фанидан

реферат мавзулари

Тошкент-2012

## МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Фан бўйича талабаларга мустақил иш учун 80 соат ажратилган. Мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган, мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш объекти бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш; илмий-амалий анжуманларга маъруза тезислари ва илмий мақолаларни тайёрлаш.

Талабаларнинг мазкур фан бўйича мустақил ишини ташкил этиш ва уни назорати ТДИУ ректори томонидан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат ва баҳолаш туғрисидаги Низом”и га мувофиқ фан бўйича мустақил ишни ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича Услубий кўрсатмалар асосида олиб борилади.

Агросаноат интеграцияси фанидан рефератлар рўйхати.

1. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари.
3. Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари.
4. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар.
5. АСМ ва унга асосий ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар
6. АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими.
7. Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи тармоқ сифатида.
8. Дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион алоқалар.
9. Техника экинлари в уларни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интергацион муносабатлар.
10. Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатлар.
11. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқалар.
12. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизими.
13. АСМда Холдинг туридаги вертикал интеграциялашган тузилмалар.
14. Агрофирмаларни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.
15. Агросаноат интеграцияси соҳасидаги чет эл тажрибалари.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й
4. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №2, 1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси». Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари, Тошкент, «Адолат», 1999.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», Т.: «Адолат», 1999 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм, Тошкент, «Шарқ», 1998.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. Тошкент, «Адолат», 1993.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент, «Адолат», 1992.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

15. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги N ПҚ-1046 сон Қарори.

16. “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори.

17. “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 27. 10. 2003.

18. “Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 24. 03. 2003.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2003 йил 28 октябр.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 607-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357 - сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 486-сонли Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

27. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январ 1295- сон билан рўйхатга олинган «Фермер хўжалиklarининг давлат эҳтиёжлари

учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»

28.«Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тўғрисидаги 1999 йил 20 июлдаги 776-сонли Низом», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

29.«Тижорат банклари томонидан юридик шахс макомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тўғрисидаги 903-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

30.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзқишлоқхўжаликмасхолдинг» компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби.

31.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан бирга).

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

32. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

33. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

34. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш» Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.

35. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

36. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. Т.: Ўзбекистон, 2001. - 432 б.

37. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи. Сайланма асарлар. Т.: - Ўзбекистон, 1996. - 380 б.

#### **V. Дарсликлар**

38. А.Абдуг'аниев, А.Абдуг'аниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодийоти. Дарслик.-Т.: О'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006. – 288 б.

39. Бородин К.С. Регулирование агропродовольственных рынков внешнеэкономический аспект. Учебник: -М.:ВИАПИ, 2005. -204 с.

40. Савицкая Г.В. Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий: Учебник. -М.: ИНФРА, 2005. -368 с.

41. Клочко Л.Н. Сельскохозяйственная кооперация. Практикум: Учебник. -М Дашкова и К°, 2003. - 480 с.

42. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004. -304 б.

43. Салимов Б.Т. ва бошқалар. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004, - 176 б.

44. Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Дарслик: -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти, 2004. - 191 б.

45. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Дарслик. -Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. - 456 б.

46. Минаков И. Экономика сельскохозяйственного предприятия: Учебник. -М.: Колос, 2004. - 314 с.

47. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства: Учебник: -М.: ЮРКНИГА, 2004. -392 с.

48. Петранова Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник: - М.: Академия, 2003. -296 с.

49. Савитская Г.В. Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий. Учебник: -М.: ИНФРА, 2003. -284 с.

50. Конаков М.А. Организация и экономические основы фермерских хозяйств: Учебное пособие. - М.: Академия, 2004. -346 с.

## **VI. Ўқув қўлланмалар**

51. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 б.

52. Кандиус В.А. Экономика агропромышленного комплекса: Учебное пособие. -М.: Кнорус, 2010. – 544 с.

53. Salimov B.T., Yusupov M.S. Dehqon va fermer xo'jaliklari iqtisodi: O'quv qo'llanma -Т.: Adib, 2009. - 320 б.

54. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: Ўқув қўлланма -Т.: РАМ-С, 2007. - 302 б.

55. Канонов М.А., Канонов А.П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств: Учебной пособие. -М.:АСАДЕМА, 2004. – 353 с.

## **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

56.Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009, - 160 с.

57. Инвестиции республики Узбекистан 2009.– Т.: 2009. – 148 с

## **VIII. Интернет сайтлари**

58.Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004 <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>

59. Экономика и управление в сельском хозяйстве, 2003, <http://psbatishev.narod.ru/library/03762.htm>

60.Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)

61.University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Quality Program. [www.uhh.hawaii.edu](http://www.uhh.hawaii.edu)

62.Московская сельскохозяйственная академия. [www.ecfak.timacad.ru](http://www.ecfak.timacad.ru)

63.Институт Агроэкономики и Бизнеса Приамурский. [www.admin.ru](http://www.admin.ru)



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

64. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

65. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.

66. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й

67. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №2, 1999 йил.

68. Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси». Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари, Тошкент, «Адолат», 1999.

69. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999 йил.

70. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», Т.: «Адолат», 1999 й.

71. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.

72. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.

73. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм, Тошкент, «Шарқ», 1998.

74. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.

75. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.

76. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. Тошкент, «Адолат», 1993.

77. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент, «Адолат», 1992.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

78. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги N ПҚ-1046 сон Қарори.

79. «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори.

80. «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 27.

10. 2003.

81. «Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 24. 03. 2003.

82. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2003 йил 28 октябр.

83. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

84. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 607-сонли қарори.

85. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357 - сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ»

86. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли Қарори.

87. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 486-сонли Қарори.

88. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

89. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

90. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январь 1295- сон билан рўйхатга олинган «Фермер хўжалиklarининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»

91. «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тўғрисидаги 1999 йил 20 июлдаги 776-сонли Низом», «Ўзбекистон

Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

92. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс макомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тўғрисидаги 903-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

93. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг» компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби.

94. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан бирга).

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

95. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

96. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

97. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш» Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.

98. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

99. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. Т.: Ўзбекистон, 2001. - 432 б.

100. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи. Сайланма асарлар. Т.: - Ўзбекистон, 1996. - 380 б.

#### **V. Дарсликлар**

101. А.Абдуғ'аниев, А.Абдуғ'аниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодийоти. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашрийоти, 2006. – 288 б.

102. Бородин К.С. Регулирование агропродовольственных рынков внешнеэкономический аспект. Учебник: -М.: ВИАПИ, 2005. -204 с.

103. Савицкая Г.В. Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий: Учебник. -М.: ИНФРА, 2005. -368 с.

104. Ключко Л.Н. Сельскохозяйственная кооперация. Практикум: Учебник. -М Дашкова и К°, 2003. - 480 с.

105. Абдуғ'аниев А., Абдуғ'аниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004. -304 б.

106. Салимов Б.Т. ва бошқалар. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004, - 176 б.

107. Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Дарслик: -Т.: Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашрийоти, 2004. - 191 б.

108. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Дарслик. -Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. - 456 б.

109. Минаков И. Экономика сельскохозяйственного предприятия: Учебник. -М.: Колос, 2004. - 314 с.
110. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства: Учебник: -М.: ЮРКНИГА, 2004. -392 с.
111. Петранова Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник: - М.: Академия, 2003. -296 с.
112. Савитская Г.В. Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий. Учебник: -М.: ИНФРА, 2003. -284 с.
113. Конаков М.А. Организация и экономические основы фермерских хозяйств: Учебное пособие. - М.: Академия, 2004. -346 с.

## **VI. Ўқув қўлланмалар**

114. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 б.
115. Кандиус В.А. Экономика агропромышленного комплекса: Учебное пособие. -М.: Кнорус, 2010. – 544 с.
116. Salimov B.T., Yusupov M.S. Dehqon va fermer xo'jaliklari iqtisodi: O'quv qo'llanma -T.: Adib, 2009. - 320 b.
117. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: Ўқув қўлланма -Т.: РАМ-С, 2007. - 302 б.
118. Канонов М.А., Канонов А.П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств: Учебной пособие. -М.:АСАДЕМА, 2004. – 353 с.

## **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

119. Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009, - 160 с.
120. Инвестиции республики Узбекистан 2009.– Т.: 2009. – 148 с

## **VIII. Интернет сайтлари**

121. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004 <http://shopper.h1.ru/books.shtml?o'topick935&page1>
122. Экономика и управление в сельском хозяйстве, 2003, <http://psbatishev.narod.ru/library/03762.htm>
123. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)
124. University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Quality Program. [www.uhh.hawaii.edu](http://www.uhh.hawaii.edu)
125. Московская сельскохозяйственная академия. [www.ecfak.timacad.ru](http://www.ecfak.timacad.ru)
126. Институт Агрэкономии и Бизнеса Приамурский. [www.admin.ru](http://www.admin.ru)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Шомансуров Ш.Т.**

**“Агросаноат интеграцияси”  
фанидан таянч маърузалар матни**

**ТОШКЕНТ -2012**

## **1-мавзу. Агросаноат интеграцияси фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллар (2 соат)**

### **1.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли асарларидан келиб чиққан ҳолда фаннинг мақсади ва вазифаси.**

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хомашёси тайёрланди.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шуни айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди.

“Агросаноат интеграцияси” фани иқтисодий фанлар таркибига киради. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётининг тармоқ таркиби маълум тармоқ, соҳа ва хизматлар йиғиндисидан иборатдир. Ушбу тармоқ, соҳа ва хизматлар ичида агросаноат мажуаси иқтисодиётнинг энг асосий соҳаларидан бири бўлиб, инсониятнинг ҳаёти, фаровонлиги, турмуш даражаси кўп жиҳатдан унинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг ўзаро интеграцион ривожланиши инсонлар учун ҳаёт манбаи ҳисобланган озиқ-овқат, кийим кечак, саноатнинг кўплаб тармоқлари учун эса хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Аҳолининг катта қисмини иш жойлари, дармоад билан таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, мажмуага кирувчи тармоқлар инсонларнинг ҳаёти билан бевосита, жуда яқиндан боғланган соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу мажмуанинг инсонлар ҳаёти билан бевосита боғлиқлиги объектив равишда уни ривожлантириш билан боғлиқ қатор заруратларни келтириб чиқаради. Жумладан, дунё аҳолисининг ўсиб

бораётганлиги кўшимча равишда озиқ-овқат, кийим кечак ва иш жойларини бўлишини талаб қилади.

## **2. “Агросаноат интеграцияси” фанининг предметини ўрганиш усуллари.**

“Агросаноат интеграцияси” фани ўз ўрганиш объектлари ва предметига эга. Фаннинг предмети объектив иқтисодий қонунларнинг агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар ва саҳоларда ўзаро интеграцион алоқаларида амал қилишининг ўзига хос томонларини ўрганиш ҳисобланади. Доимий ривожланишда бўлган ушбу фан агросаноат интеграциясида натижасида тармоқлари иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар, улардаги ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат ресурслари, ер ва сув фонди, асосий ишлаб чиқариш воситалари ва тадбиркорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари ўрганади. Фан агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг бир бири билан ўзига хос боғланиш хусусиятларини, уларда ишлаб чиқаришни самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсирини ҳам ўрганади. “Агросаноатинтеграцияси” фани мажмуа тармоқлари тараққиётидаги ижобий ва салбий тенденцияларни ўрганади ва мутахассисларга уларни яхшилаш йўналишларини тўғри белгилашда зарур билимларни беради. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг агросаноат мажмуаси тармоқларида амалга ошириш жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни ўрганади ҳамда уларнинг мўътадил ечимлари тўғрисидаги билимларни ўзида мужассам этади.

Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари ўрганиш қўйидаги тартибда олиб борилади;

Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари.

Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар . АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими. Қишлоқ хўжалиги қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи тармоқ сифатида. Дон маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион алоқалар. Техника экинлари в уларни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интергацион муносабатлар. Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатлар. Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида интеграцион алоқалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш тизими. АСМда Холдинг туридаги вертикал интеграциялашган тузилмалар. Агрофирмаларни ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари. Агросаноат интеграцияси соҳасидаги чет эл тажрибалари.

## **3. “Агросаноат интеграцияси” фанининг мутахассислар фаолияти даги аҳамияти.**

Талабаларга республика агросаноат мажмуаси, унинг соҳаларининг таркиби ва ўзаро интеграцион алоқалари тўғрисида аниқ билимлар бериш, ҳамда агросаноат

мажмуаси таркибининг ўзгаришиб бориши ва иқтисодиётда тутган ўрни тўғрисида маълумотлар бериш.

- ❖ Мамлакат ялпи ички масулотининг 70 фоизига яқини ишлаб чиқарилади;
- ❖ Мамлакатга тушаётган валюта тушумининг 65 фоизидан кўпроғи АСМ маҳсулотларини экспорт қилишдан олинади;
- ❖ Мамлакатда банд меҳнат ресурсларининг 70 фоизи агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлайди;
- ❖ Иқтисодиётнинг асосий активларининг ката қисми Ушбу мажмуа корхоналарида йиғилган.
- ❖ Мамлакат минтақаларини ривожланишида ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этади.
- ❖ Мамлакатнинг озик-овқат, иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.

#### 4. “Агросаноат интеграцияси” фанининг қисқача ривожланиш тарихи

Агросаноат интеграциясининг янада чуқурлашиб бориши объектив жараён дир. Бу, албатта, қишлоқ хўжалигининг ва умуман, агросаноат мажмуасининг, иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келувчи жараён дир.

Агросаноат интеграциясининг ва кооперациясининг маҳсули сифатида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб мамлакатимизда агросаноат мажмуаси ягона тизим сифатида шаклана бошлади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи, ягона мақсадларга бўйсундирилган, технологик жиҳатдан устун даражада бир бири билан боғланган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир. Иқтисодий фан мамлакат, ҳудуд ва маҳсулот турлари бўйича “агросаноат мажмуаси” тушунчаларини фарқлайди. Шунга кўра агросаноат мажмуаси:

Мамлакат агросаноат мажмуаси;

Ҳудуд агросаноат мажмуаси;

Ихтисослашган (гўшт, сут, дон, сабзавот ва полиз каби маҳсулот турларини етиштириш билан шуғилланувчи) агросаноат мажмуаларидан иборат.

Ихтисослашган агросаноат мажмуалари иккига бўлинади.

Биринчиси, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Иккинчиси ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи агросаноат мажмуаси. Бу агросаноат мажмуаларининг ҳар иккаласи ҳам алоҳида олинган товарлар (маҳсулотлар) бўйича агросаноат мажмуаларини ташкил этади.

## **2-мавзу. Агросаноат интеграциясининг мазмуни ва ривожлантириш омиллари(2 соат)**

**1. Агросаноат интеграцияси тушунчаси, унинг моҳияти. Агросаноат интеграциясининг аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.**

Агросаноат интеграцияси – саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир-бирига сингиб кетиши, бир бутун тизимга айланишидир. Агросаноат интеграцияси



ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ривожланишининг натижасидир. Тармоқларнинг бир-биридан ажралиб кетиши уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини айрибошлашни кучайишини талаб қилди. Бир тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга талаб асосан бошқа тармоқда вужудга келади. Натижада бир тармоқ иккинчисиз мўътадил ривожлана олмайди. Бу уларни интеграциялашуви заруратини келтириб чиқаради. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожини улар ўртасида алоқаларнинг мураккаблашувига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиш учун қайта ишлаш саноатига тушади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги саноат учун хом ашё етказиб берувчи тармоққа айлана боради. Қишлоқ хўжалигининг охириги истеъмолчи билан тўғридан-тўғри алоқаси камайиб боради. Ўз навбатида истеъмолчиларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (қайта ишлаш саноати) яқинлашиб боради. Бу эса ўз навбатида тармоқларо интеграцияни кучайтиради

Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қўйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

## **2. Агросаноат интеграциясининг ривожланиш омиллари.**

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш шу даражада юксалиб бормоқдаки, иқтисодиётнинг турли тармоқлари бир-бири билан жуда чамбарчас боғланиб қолмоқда. Уларнинг боғланиши, айниқса, технологик жиҳатидан бир – бирини тўлдирувчи тармоқларда кучли. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларда бу жараён жуда ёрқин намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳалар иқтисодиётини бир – биридан ажри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу тармоқлар ягона бир тизимни ташкил этади ва уларнинг биргаликда мутаносиб ишлаши провард натижанинг самарали бўлишини таъминлайди. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан саноатнинг бир бутун кўриниш олаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, “Ўзмевасабзавотузумсаноат- холдинг” компаниясига қарашли заводлар, сутни қайта ишловчи айрим корхоналар, шунингдек, иссиқхоналар, парандачилик фабрикалари бунга мисол бўла олади. Бу соҳаларда бир юридик мақомга эга корхонада қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва шу корхонанинг ўзида у даслабки қайта ишлаш жараёнидан ўтади, баъзан, тўла қайта ишланади. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги даражасидан юқорилашиб, маълум маънода саноатлашиб кетган.

### **3. Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси).**

Мамлакат агросаноат мажмуаси мураккаб таркибий тузилмага эга бўлиб, унинг таркиби 4 та соҳадан ташкил топади.

Биринчи соҳа. Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, маъданли ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, чорвачилик учун омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи ихтисослашган корхоналар кабилар киради.

Иккинчи соҳа. Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Бу соҳа агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этади ва мажмуанинг башқа соҳасига кирувчи тармоқлар асосан шу тармоқ маҳсулотлари асосида фаолият юртадилар ёки хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалиги ўз навбатида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларига бўлинади. Бундан ташқари агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасига, пиллачилик, асаларичилик, қисман ўрмончилик (табiiй озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар етиштириш) ҳамда балиқчилик киради.

Учинчи соҳа. Бу соҳа - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндисидан иборат. Озиқ-овқат саноати, пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, канопни, пиллани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сақлайдиган корхоналар, уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар шу соҳанинг таркибини ташкил этади.

Тўртинчи соҳа. Бу соҳа - агросаноат мажмуаси инфратузилмасидан иборат. Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси жуда мураккаб таркибга эга. Шу билан биргаликда уларнинг айримлари ўз хизмат хусусиятига кўра ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма таркибига кириши мумкин. Шунга қарамасдан иқтисодий таҳлил қилишнинг, қарорлар қабул қилиш учун зурур сифатли маълумотларни олиш учун уни таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Инфратузилманинг ўзи иккига бўлинади.

Биринчи қисми ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир.

Мамлакат агросаноат мажмуасининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

### **4. Агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг асосий мақсадли муаммолари.**

Мамлакат агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг асосий мақсадли муаммолари мажмуага кирувчи қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаувчи заводлар, омухта ем заводлари, минерал ўғитлар тайёрловчи заводлар ва х.з.), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи (пахта заводлари, донни қайта ишловчи элеваторлар, гўшт, сут комбинатлари, жун заводлари, пиллани қайта ишловчи заводлар ва бошқалар), қайта ишловчи ва тайёр, охирги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар ва хизматлар соҳасини ўзаро интеграцион алоқаларини янади ривожлантириш киради. Бундан ташқари ушбу жараёнларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ҳам интеграцион алоқалар натижасида ривожлантирилиши керак.

Худуд агросаноат мажмуасида маълум бир интеграцион алоқаларни ривожлантириш, ёки бир худуд (иктисодий худудлар, вилоятлар, воҳалар, баъзан туманлар) доирасида ҳам ўзаро интеграцион алоқалар амал қилади.

#### 5. Агросаноат интеграцияси турларини мутаносиб ривожлантириш масалалари

Хақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараккиётимиз мобайнида агросаноатда интеграцион алоқалари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман.

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иктисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта кизиқиш уйғотмоқда.<sup>4</sup>

<sup>4</sup> БАРЧА РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИМИЗ ВАТАНИМИЗ ТАРАККИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ХАЛКИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2010 ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЯҚУНЛАРИ ВА 2011 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР Йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

Юқоридаги тахлиллардан келиб чиққан ҳолда агросаноатда интеграцион алоқаларни янада ривожлантиришимизни тақоза этади.

### **3-мавзу. Агросаноат интеграцияси турлари ва ташкилий шакллари**

#### **1. Горизонтал интеграция. Вертикал интеграция.**

Горизонтал интеграция - хўжаликлараро кооперация ривожланишининг ташкилий шакли хўжаликлараро корхона ва ташкилотларнинг ташкил топишидир. Хўжаликлараро кооперация ўз ичига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини, ноишлаб чиқариш соҳасини, қурилиш, мелиорация ва бошқаларни олади.

**Вертикал интеграция**- қишлоқ хўжалик корхоналарининг саноат тармоғи билан пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги фаолиятини бирлашувидир.

#### **2. Хўжаликлараро кооперация. Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар.**

“Кооперация- қишлоқда ишлаш учун қулайроқ аппаратдир” А.В.Чаянов.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг турли туман шакллари системасида кооперация муҳим ўрин тутди. Кооперация деганда – мавжуд ишлаб чиқариш мулклари ва молиявий ресурслар, мустақиллиги ва ташаббускорлиги асосида иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу соҳасида умумий ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш учун ихтиёрий бирлашадиган корхона ёки ишлаб чиқариш булинма, ходимларнинг маълум қисмининг ташкилий шакли тушинилади. Кооперация асосида меҳнат коллективларининг ўзини –ўзи ташкил этиш принципи ётади, у ихтиёрийликни, ўз ўзини молиялаштиришни, ўзини-ўзи бошқаришни, ташаббускорлик ва мустақилликни талаб этади.

Артел принципти асосланган кооператив меҳнат ҳақи, ҳаётий манфаатларни меҳнатнинг конкрет пировард натижалари билан мустаҳкам боғлайди, кишиларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг келажаги ҳақида қайғўришга, нафақат ўзининг индивидуал исътемоли тўғрисида эмас, балки ишлаб чиқариш жамғармаси тўғрисида ўйлашга ундай ди.

Кооперациялар давлад корхоналаридан фарқ қилиб, биринчидан, бутун жамиятнинг эмас, биринчи навбатда ўз аъзоларининг иқтисодий эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради. Иккинчидан, шунинг учун кооператив аъзолари, кооперативга бирлашмаган шахсларга нисбатан анча қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларга эга бўлади.

#### **Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар.**

Интенсив ривожланишга асосланган қишлоқ хўжалик иқтисодининг муҳим жараёнларидан бири хўжаликлараро кооперациялаш ҳисобланади. Хўжаликлараро корхона ва ташкилотларнинг вжудга келиши ва ривожланиши, ишлаб чиқариш муносибатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характериға мос келиши қонуни ҳаракатиға, жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжиға чақирилган. Хўжаликлараро кооперациянинг аҳамияти, шундан иборатки, у кўп тармоқлиликдан ихтисослашган ишлаб чиқаришга ўтишни амалға оширади, уни

индустрлашни анча самарали олиб боради, ижтимоий муаммоларни ҳал қилади, иқтисодий шароитларни тенгаштиришга олиб келади.

### **3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш бирлашмалари.**

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш бирлашмалари-қишлоқ хўжалик ва саноат бирлашмасининг анча мураккаб шаклидир. Унда бевосита қишлоқ хўжалик ҳом-ашёсини ишлаб чиқариш билан унисаноат қайта ишлаши корхонанинг ўзида ўзвий жиҳатдан қўшилиб кетади, айрим ҳолларда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан бир қаторда маҳсулотни сотадилар ва х.к.

### **4. Агрофирмалар. Фермер ва дехқон хўжаликлари. Ширкат хўжаликлари. Холдинг компаниялари. Агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмалари.**

Агрофирмалар – агросаноат бирлашмалари бажарган вазифаларни амалга оширади, лекин миқдор жиҳатдан кичкина бўлади ва бир хўжалик ёки туман миқёсида ташкил қилиниши мумкин. Агрофирмалар таркибига фермерлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва ҳом –ашёсини қайта ишловчи корхоналар ва маҳсулотларни сотадиган корхоналар, ташкилотлар киради.

**Ширкат хўжаликлари.** Ширкатларга Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонунининг 1-боб, 1-моддасида - “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.\*” деб таъриф берилган.

Ширкат хўжалигига аъзолик ихтиёрийдир. 16 ёшга кирган фуқаро ихтиёрий равишда унга аъзоликка кириши мумкин. Ширкат хўжалигининг юқори бошқарув органи умумий мажлис бўлиб, у ширкатни бошқарувини ва тафтиш комиссиясини сайлайди ва ширкатни жорий бошқариш бўйича ўз ваколатини уларга беради.

**Фермер хўжаликлари.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги қонунининг 1-бандида “Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир”, - деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январидаги “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори асосида республикада фермер хўжаликлари тез ривожлана бошлади. Ушбу сиёсат

---

\* Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонун. Т.: Ўзбекистон, 1998. 4 б.

ривожлантирилиб 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги “2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарорига кўра паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжалиklари негизида танлов асосида фермер хўжалиklarини ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида “...фермерчилик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда” - деб таъкидлади.\*

Республикада фермер хўжалиklarини ривожлантириш даврини шартли равишда 4 босқичга бўлиш мумкин .

№	Босқичлар	Босқичлар даври	Босқичларнинг номланиши
1.	I-босқич	1989-1997 йиллар	Фермер хўжалиklarини дастлабки вужудга келиши ва шаклланиши даври
2.	II-босқич	1998-2001 йиллар	Фермер хўжалиklarининг меъёрий-ҳуққий базасини яратиш ва мустаҳкамлаш даври
3.	III-босқич	2002-2007 йиллар	Сурункасига зарар кўриб ишлаган паст рентабелли ширкатларни тугатиш негизида фермер хўжалиklarини кенг кўламда устивор ривожлантириш даври
4.	IV-босқич	2008 йилдан бошлаб	Фермер хўжалиklarининг ҳажмини оптималлаштириш даври

**Дехқон хўжалиklари.** Дехқон хўжалиги оила меҳнатида асосланган, асосан хонадон истеъмолчи учун ва майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалиklардир. “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунининг 1-моддасида дехқон хўжалигига қуйидагича таъриф берилган: “Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади”\*\*.

Дехқон хўжалиklари республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи энг асосий хўжалик юритиш шакли эканлиги боис, истиқболда

\* Каримов И. Бизнинг мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни медресизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 70б.

\*\* Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 3б.

чорвачилик тармоғининг ривожланиши уларнинг иқтисодий салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолади.

Статистик маълумотларга кўра 2008 йил якуни бўйича республикада 4703,4 мингта деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатган ва улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 65,1 фоизини, ўсимликчилик ялпи маҳсулотининг 44,3 фоизини ва чорвачилик ялпи маҳсулотининг 92,4 фоизини етиштириб берган.

#### **4-мавзу. Агросаноат мажмуаси таркибий тузилмалари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар.**

##### **1. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг таркиби.**

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни тайёрлайдиган ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берадиган (сотадиган) барча тармоқ ва корхоналар агросаноат мажмуасининг 3-соҳасини ташкил этади. Буларга:

- пахта тозлаш заводлари;
- консерва заводлари;
- паллани қайта ишлаш фабрикалари;
- сут ва гўшти қайта ишлаш корхоналари;
- ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари;
- мава шарбатлари, вино, коньяк каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар;
- жунни, канопни қайта ишлаш корхоналари;
- шакар ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- озиқ-овқат саноати;
- терини қайта ишлаш корхоналари;
- ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- музхона (холодильник) ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналар (улгуржи ва чакана савдо) ва бошқалар киради.

Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа мураккаб таркибга эга. Ҳар бир маҳсулот тури ёки бир-бирини тўлдирувчи маҳсулотлар бўйича агросаноат мажмуасининг ўз корхоналари мавжуд. Албатта айрим маҳсулотларни республикада чуқур қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Масалан, республика қишлоқ хўжалигининг асосий экин турларидан бири бўлган пахта хомашёсининг 100 фоизи дастлабки қайта ишлаш (пахта толасини чигитдан ажратиш ва тойлаш) дан ўтади. Аммо уни чуқур қайта ишлашнинг даражаси катта эмас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жами қайта ишланган пахта хомашёсининг 6-8 фоизи республикада қайта ишланар эди. 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 14-16 фоизини 2004 йилда

эса 24-25 фоизни ташкил этган. Яқин келажакда бу кўрсаткични 45-50 фоизга етказиш устида ҳаракатлар қилинмоқда. Республикада пахта хомашёсини иккиламчи ва чуқур қайта ишлаш катта иқтисодий ва ижтимоий самара беради. Ҳозирда, пахтадан жуда кам миқдорда ярим тайёр ва тайёр охирги товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Республикада бу борада қилинадиган ишларнинг ҳажми катта. 2009 йил маълумотларига кўра мамлакатда етиштирилаётган пахта толасининг 29,1 фоизи, меванинг 15 фоизи, сабзавотларнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларнинг 9 фоизи, узумнинг 23 фоизи, терининг 26 фоизи, жуннинг 15 фоизи, гўштнинг 25 фоизи ва сутнинг 5 фоизи қайта ишланган. Саноатда қайта ишланган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш катта иқтисодий самара ва ижтимоий масалани (ишсизликни камайтириш, аҳолининг даромадини ошириш каби) ечишда муҳим рол ўйнайди.

## **2. Қишлоқ хўжалиги Агросаноат мажмуасининг марказий бўғини.**

Қишлоқ хўжалигининг энг муҳим вазифалардан бири мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг хом-ашёга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бу вазифани амалга ошириш қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари ривожлантириш, чекланган ресурслар шароитида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда истеъмол қилиш жараёнини мукамал йўлга қўйиш орқали таъминланади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ва институционал ислохотлар натижасида хўжалик юритишда инсон омилининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига, ҳақиқий мулк эгаллиги ҳиссига таянадиган ишлаб чиқаришни бошқариш тизими юксак аҳамият касб этиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида самарали хўжалик юритиш кўникмаларини мукамал эгаллаш учун қишлоқ хўжалигида амал қиладиган объектив иқтисодий қонуниятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур ўрганиш ва теран англаб етиш лозим бўлади.

Муҳтарам президентимиз томонидан 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурида қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

## **3. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг вазифалари, аҳамияти.**

Агросаноат мажмуаси 3-соҳасининг аҳамияти ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун бекиёс. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бу



соҳанинг салмоғи айниқса юқори. Малакат меҳнат ресурсларининг 22 фоизига яқини шу соҳада банд. Ялпи ички маҳсулотнинг 23 фоизга яқини шу тармоқларда ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги аввало шу тармоқлар ривожига боғлиқ. Агросаноат мажмуаси маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш ҳам асосан шу тармоқларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Улар аҳолини юқори сифатли маҳсулотлар, иш жойлари билан таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотлар сотувчи тармоқлар ва хизматларнинг аҳамияти бекиёс. Бу тармоқларни ривожлантириш мамлакатда ишсизлик муаммосини юмшатади ва унга барҳам бериш имкониятларини кенгайтиради, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишининг олдини олади. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда етиштирилаётган баъзи турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоизгачаси нобуд бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири агросаноат мажмуаси 3-соҳасининг етарли даражада ривожланмаганлигидадир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб соҳанинг аҳамияти ва иқтисодийдаги ўрнини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлишини олдини олади ва натижада катта иқтисодий самара беради;
- аҳолини иш билан таъминлашни яхшилади, ижтимоий масалаларни ечимини оптималлаштиради;
- қишлоқ хўжалигини имкон даражасида бир меъёрда молиявий маблағ билан таъминлайди;
- аҳолининг турмуш даражасини оширади;
- қишлоқ хўжалигини унга хос бўлмаган функциялардан (маҳсулотни сақлаш, ташиш ва х.з.) озод қилади;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширади;
- аҳолини йилнинг турли фаслларида сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилади;
- қишлоқ аҳолисининг меҳнат малакасини оширади;
- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини сифатли таъминлайди.

Агросаноат мажмуасининг 3-соҳасига кирувчи тармоқларни ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий стратегиясининг бош йўналишларидан бир ҳисобланади. Бунда асосий эътибор энгил саноатни ривожлантиришга қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда энгил саноатни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишга эътибор кучайтирилди. Бу соҳада вужудга келаётган янги қўшма корхоналар янги техника ва технологиянинг кириб келишига олиб келмоқда. Бундан ташқари аҳолини иш билан бандлиги ошишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қуйидаги ҳажмда бажарилмоқда:

Мевалар – 15%, сабзавот – 10%, полиз маҳсулотлари – 5%, узум – 23%, тери – 26%, жун – 15%, гўшт – 25%, сут – 5%, пахта хомашёси – 25%.

#### **4.Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма.**

Республикамызда агросаноат мажмуасини самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жихатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Агросаноат мажмуасини ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар ичида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, агрокимё ва зооветренария, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, коммуникация ва алоқа, маҳсулот ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига бўлган талаби ортиб бораверади. Чунки фермер хўжаликларига керакли ер майдонини ажратиб бериш ва уларга юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақатгина мукамал ташкил этилган инфратузилма бўлинмалари орқалигина тасаввур қилиш мумкин.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

«Инфратузилма» сўзи латин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда «тузилмадан ташқарида» маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи-назардан инфратузилма моҳиятига куйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: «инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинувини таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси».

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ғарб иқтисодий адабиётларида бу жараённи «иқтисодиётнинг сервислашуви (инглизча «service» хизмат) деган атама билан номланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг сервислашувига куйидаги омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказди: ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, кредит ресурсларига бўлган талабнинг кенгайиши, ИТТ суръатларининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси, ресурсларни тежашга асосланган ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва бошқалар.

Инфратузилма жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига комплекс хизмат кўсатадиган хизмат турларини яратиш билан боғланган. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг якуний натижалари нафақат бевосита хўжаликнинг ўз имкониятларига боғлиқ бўлади, балки унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси ҳам ўз таъсирини ўтказди.

## **5-Мавзу. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқалар**

### **1. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби.**

Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган соҳа унинг 1- соҳаси ҳисобланиб, у мураккаб таркибга эга. Бу соҳага агросаноат мажмуасига кирадиган барча тармоқлар учун керакли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Маълумки ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Иқтисодиётнинг қайси соҳаси бўлмасин юқори унумли, сифатли ишлайдиган ва кам харажат талаб қиладиган техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига зарурат сезади. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳаси жуда катта иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга. Агросаноат мажмуасида асосий масала қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳисобланади. Демак бу борада асосий эътибор ҳақли равишда қишлоқ хўжалигига берилиши зарур. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги учун тракторлар, дон ўриш кабайнлари, экинларни экиш, кўп йиллик ўтларни ўришни амалга оширадиган техникалар, махсус юк автомобиллари, куч берувчи машиналарга орган ва ишчи машиналар ишлаб чиқарувчи тармоқ корхоналари агросаноат мажмуасининг 1-соҳаси таркибига киради. Ўзбекистон Республикасида трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимёвий воситалар ва маъданли ўғит ишлаб чиқариш корхоналари, микробиология саноати, ихтисослашган курилиш материаллари саноати етарли даражада яхши ривожланган. Шу билан биргаликда дон ўриш комбайнлари, ҳайдов тракторлари, ем-хашак ўрувчи комбайнлар ишлаб чиқариш деярли импортга боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташийдиган юк автомобилсозлиги ташкил этилмаган. Республикада 5 млн. тоннадан ортиқ мева ва сабзавот, 3,5 млн. тонна пахта ва 6 млн. тоннадан ортиқ дон, катта миқдорда сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлари етиштирилишини ҳисобга олинса уларни ташийдиган махсус юк транспортларига талабнинг катта эканлигини кўриш мумкин.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, сақловчи, қайта ишловчи ва сотиш билан шуғулланувчи тармоқларда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини яратадиган тармоқ ва корхоналар ҳам 1-соҳанинг таркибини ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар учун техникалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

### **2. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат машинасозлиги.**

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжалиklarини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб

берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда”<sup>5</sup>, - деб кўрсатиб ўтганлар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дастлаб зарар кўриб ишлайдиган ва истиқболсиз ширкат хўжалиklarини тугатиш негизида ташкил этилган фермер хўжалиklари бугунги кунда аграр соҳанинг етакчи бўғинига – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланмоқда. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар самараси ўлароқ 2008 йилда фермер хўжалиklarининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, “ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжалиklarининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.

Республикада мамлакат агросаноат мажмуасининг 1- соҳасига кирувчи тракторсозлик, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш тармоқлари яхши ривожланган. Ўзбекистон Республикаси пахта териш машиналарини комплекс ҳолда ишлаб чиқарадиган икки давлатнинг бири ҳисобланади. Пахта териш машиналарини АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқаради. Албатта Исроил давлати ҳам АҚШнинг пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган корхоналари билан биргаликда ушбу соҳани ташкил этган. Аммо у асосан ўзи учун ишлаб чиқаради.

Республикада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги мамлакат саноатининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари бор. Айниқса, пахта териш машиналари ва агрегатлари ишлаб чиқариш тизими яхши ривожланган. Пахта териш машиналари билан боғлиқ барча механизмлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Мамлакатда ишчи машиналар – плуглар, экиш агрегатлари, чизеллар, бороналар ва кўплаб турдаги иш қуроллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Албатта, уларнинг сифатини яхшилаш талаб қилинади.

Республикада дон ўриш камбайнлари, махсус автомобиллар каби жуда зарур воситалар ишлаб чиқариш тармоқлари ҳали ташкил этилмаган. Улар бошқа давлатлардан импорт қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш соҳаси учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ҳам республикада яхши ривожламаган. Бу мамлакат агросаноати мажмуасида етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқлари техник жиҳозланишини импортга боғлаб қўймоқда. Натижада, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш жараёнида айрим қийинчиликлар юзага келмоқда.

2004 йил маълумотларига кўра қишлоқ хўжалигида 205 дона “Магнум-8930” ва “МХ-40” русумли хайдов тракторлари, 1728 дона “Кейс”, 608 та

---

<sup>5</sup> Каримов И.А., “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.:”Ўзбекистон”, 2009, 21 б.

“Клаас” ва “Ньюхолод” русумли ғалла ўриш комбайнлари ҳамда кўплаб МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган техникалар ишлатилмоқда. “Ўз Кейс маш” кўшма корхонасида “Кейс-2022” русумли пахта териш машинасини йиғиш йўлга қўйилди. Кейинги 3 йил ичида Россиядан 1483 дона занжирли тракторлар олиб келинди. Булар Т-4А-01, ВТ-100, ВТ-150 хайдов тракторларидан иборат. Тошкент трактор заводи ва “БМКБ-Агромаш” конструкторлик бюроси тажриба цехларида яратилган ва йиғилган 0,6 тортиш синфига мансуб “ВУ-30402” кичик трактор, ПН-2-30 икки корпусли осма плуг, НО-3 осма чизел култиватор, НО-3,2 осма борона, НР-30-01 универсал култиватор, НР-30-02 осма универсал уруғ экиш сеялкаси, МО’С-0,18 маъданли ўғит сепгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. 2005 йилда республикада 57 та юк автомобили, 1211 та трактор прицеплари (юк ташувчи тиркамалари), 2868 та тракторлар, 401 та трактор плуглари, 1219 та трактор култиваторлари, 975 та трактор сеялкалари (экиш агрегатлари) ишлаб чиқарилди.

## **2. Минерал ўғит ва Агросаноат мажмуасида ишлатиладиган кимёвий воситалар ва чорва моллари учун омухта ем ишлаб чиқарувчи соҳалар.**

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси 1- соҳасининг айрим тармоқлари яхши ривожланган. Жумладан, кимё саноати агросаноат мажмуаси 1-соҳасининг асосий тармоқларидан бўлиб, унда жами саноат маҳсулотнинг 5,2 фоизи ишлаб чиқарилади. Маъданли ўғитлар ва кимёвий дорилар, переператлар ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган соҳа ҳисобланади. Мамлакатда азотли, фосфорли маъданли ўғитлар қишлоқ хўжалигининг талабини тўла қондирадиган миқдорда ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган азотли ва фосфорли маъданли ўғитларнинг бир қисми хорижий давлатларга экспорт қилинади. 2005 йилда республика экспортида кимё саноатининг улуши 5,3 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси маъданли ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида катта ресурсларга эгамиз. Мамлакатда мустақилликнинг даслабки йилларида фосфорли маъданли ўғитлар ишлаб чиқаришда катта муаммолар юзага келди. Чунки фосфорли маъданли ўғитнинг асосий компоненти, хом ашёси ҳисобланган фосфор уни асосан кўшни Қозоқистон Республикасидан келтирилар эди. Собиқ иттифоқ даврида ўрнатилган иқтисодий алоқаларнинг бузилиши оқибатида фосфор унини импорт қилиш имкони камайди. Натижада 1994-1998 йилларда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарадиган қатор заводлар тўхтаб қолди. Бундан малакат катта иқтисодий ва ижтимоий зарар кўрди. Республикада маъданли ўғитлар ишлаб чиқарадиган заводларни хом ашё билан узуксиз таъминлаш чоралари кўрилди. Натижада Навоий вилоятида фосфор унини бойитувчи завод 2002 йилда ишга туширилди ва бу борада истиқболли ривожланишга асос яратилди. 2005 йилда республикада 100 фоиз таъсир қилувчи модда ҳисобида 765 минг тонна азотли, 101,5 минг тонна фосфорли маъданли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Албатта маъданли ўғитларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг янада самарали турларини ишлаб чиқариш устида ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, маъданли ўғитлар таркибини бойитиш (соф таъсир қилувчи модда салмоғини кўпайтириш) катта иқтисодий самара беради. Маъданли ўғитлар таркибида азот, фосфор ва калийнинг миқдорини 1 фоизга ошириш минг – минг тонналаб юкни ортиқча ташишдан холос этади. Бу эса жуда катта тежамкорликка олиб келади.

Республикамизда асосан азотли ва фосфорли маъданли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Калийли ўғитлар ишлаб чиқариш учун махсус заводларнинг йўқлиги туфайли бу турдаги ўғитларни асосан импорт қиламиз. Импорт қилинаётган калийли ўғитларнинг қимматлилиги уни талаб даражасида етарлича олиб келишга имкон бермаяпти. Албатта бу қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишда салбий таъсир этмоқда. Масалан, 2004 йилда пахта ҳосилдорлиги Хитойда 33 центнер га, Исроилда 38 центнер гани ташкил этди. Шу йили республикада пахтадан гектарига ўртача 22 центнердан ҳосил олинди. Масала шундаки, қишлоқ хўжалиги экинларига солинадиган маъданли ўғитлар турли омилларни ҳисобга олган ҳолда маълум нисбатларда берилиши керак. Азот, фосфор, калийни илмий белгиланган нисбатларда экинларга бермаслик уларнинг ҳосилдорлигини пасайишига сабаб бўлади.

#### **4. Соҳани ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати.**

Республика агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасини ривожлантириш жуда мураккаб бўлиб, бу катта маблағ ва вақтни талаб қилади. Шу сабабли қисқа муддатдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талабни қондириш мақсадида дунёнинг йирик компаниялари билан Ўзбекистон Республикаси турли шартномалар имзолади. “Кейс-Нью-Холланд” корпорацияси 1996 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Ўтган даврда 5000дан ортиқ техника республикага олиб келинди. “Кейс-Нью-Холланд” корпорацияси ва “Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг” компанияси томонидан бир нечта модел хўжаликлари ташкил этилди. Шулардан бири пахта ва ғаллага ихтисослашган Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида жойлашган бўлиб, ушбу техникалардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш юқори натижалар беришини кўрсатди. Жумладан, модел хўжаликда 2003-2004 йилларда пахта ҳосилдорлиги 60 центнерни ғалла эса 80 центнерни ташкил этди.

Республикада мавжуд ҳолатни чуқур ўрганиб ҳамда агросаноат мажмуаси тармоқларининг талабларидан келиб чиқиб, асосий воситалар лизинги ривожлантирилмоқда. Лизинг йўли билан четдан энг зарур асосий воситалар келтирилмоқда. Масаланинг бу тариқа ҳал этилиши ҳам малакат иқтисодиёти айниқса, қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, республикада агросаноат мажмуаси 1-соҳасининг ривожланиш даражаси юқори эмас. Шу сабабли, бу соҳани ривожлантириш мамлакат ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

#### **6-Мавзу. АСМда сервис хизмати кўрсатиш тизими**

## **1.Агросаноат интеграциясида ДАЖ МТП. Муқобил МТП.**

### **Техникаларни таъмирлаш тизими.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра 2008 йил якунига келиб республикада фермер ва деҳқон хўжаликларига техник хизмат кўрсатувчи жами 1777 та муқобил МТПлар фаолият кўрсатган. Улар томонидан қиймати 129602,2 млн. сўмга тенг бўлган 77864 та шартномалар имзоланган бўлиб, ҳақиқатда 76604 та шартномалар бўйича 123680,3 млн. сўмлик хизматлар кўрсатилган.

Кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликларининг агротехника ишларини ўз муддатида амалга ошириш учун ўз хусусий техника воситалари йўқ. Бу ҳолат фермерларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ишини янада жонлантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш ва механизациялашган ишларни бажаришда машина-трактор парклари (МТП) катта роль ўйнайди. Машина-трактор парклари Давлат акциядорлик жамиятлари (МТП ДАЖлар) ерларни экишга тайёрлаш, қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга доир механизациялашган ишларни хўжаликлар билан шартномалар бўйича бажаришга ихтисослаштирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил этилган. МТП ДАЖларга қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш билан бирга, хўжаликларининг техника воситаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, уларга техникларни ижарага бериш ва янги техникалар келтириб сотиш ишларини ҳам бажариш ҳуқуқи берилган.

МТП ДАЖларнинг асосий қишлоқ хўжалиги техникалари чет эл кредити ҳисобига харид этилган қимматбаҳо “Магнум” ва “Кейс” русумли техникалар бўлиб, уларни кичик ҳажмли фермер ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларида ишлатиш иқтисодий ва техник жиҳатдан юқори самарали эмас. Қиймати баланд бўлган бу техникаларнинг амортизация ажратмалари баландлиги, чет эл кредити учун белгиланган график бўйича фоиз тўловлари ва асосий қарзни қайтариш шартлари мураккаблиги ва техник хизмат кўрсатиш қийматининг ортиб бораётганлиги натижасида МТП ДАЖлар томонидан кўрсатилаётган техник хизматлар нархлари фермер хўжаликлари учун ниҳоятда қиммат бўлмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг кўтарилиб кетиш ҳолатлари юз бермоқда.

Кейинги йилларда МТПларни ривожлантириш йўналишида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Хусусан, мавқжуд МТП ДАЖларнинг туманлардаги монополь мавқеини чеклаш, техник хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 106-сонли “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ҳар бир туманларда муқобил машина-тракторлар

шакллантириш ишлари йўлга қўйилди. Фермер хўжаликлари сифатида қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ташкил этилаётган муқобил машина-трактор парклари солиқ солиш шартлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (ер ҳайдаш, экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзагроташсервис» уюшмаси вилоят бирлашмаларининг машина-трактор паркларига тенглаштирилди.

